

умумий қоғозидан фарқли ўлароқ бошқа хитой қоғозига кўчирилиб ёпиштирилган. Бу саҳифадаги хат ҳам асосий матн хатидан ажралиб туради.

Боблар кетма-кетлиги аралаштирилиб юборилган. 57-боб, 56-бобдан олдин келиб, 56-бобдан сўнг 95,96,97-боблар келган. 97-бобдан сўнг эса 78-бобдан 94-бобгача кетма-кетлик узилмаган. 94-бобдан сўнг, 58-боб бошланади ва асар 77-боб билан тугайди. 82-бобдан бошланиб, бобларнинг рақами ёзилмай, фақатгина уларнинг номлари ёзилган.

Қўлёзма ҳижрий 997 йил 12-сафар/1588 йил 31 декабр куни кўчирилган. Котибнинг исми номаълум.

“Рабиъу-л-аброр” асарининг яна бир нусхаси Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасининг қўлёзмалар кутубхонасида 1490 инвентар рақами остида сақланади. Асар анъанавий “бисмиллоҳ” ва Аллоҳга ҳамду сано айтиш билан бошланади. Маҳмуд аз-Замахшарийнинг мазкур асарнинг ёзишда ўз олдига қўйган мақсади, муқаддимада баён этилган. Асарнинг муқаддимасидан сўнг, қўлёзма “Вақтлар, дунё ва охират ҳақида” деб номланган бобдан бошланади. Қўлёзмада котиб ва китобат санаси кўрсатилмаган. Мазкур нусханнинг қадимийлиги, қоғози ва ёзувига асосланган ҳолда, уни тахминан XVI аср нусхаси деб белгиладик. Асарнинг 1а бетига *هذا الكتاب من مصنفات العلامة محمود الزمخشري صاحب الكشاف المسمى ربيع الأبرار* (Бу ал-Кашшоф муаллифи аллома Маҳмуд аз-Замахшарийнинг асарларидан, Рабиъул-аброр деб номланган) деб ёзилган. 2а саҳифаси хошиясига «Фундаментальная библиотека Духовного управления Ср.Азии и Казахстана» деб ёзилган муҳр туширилган. Қўлёзманинг умумий ҳажми 402 varaқни ташкил этиб, ҳар бир varaқга 22 қатор матн жойлаштрилган. Қоғоз 25x17 см ўлчовга, матн эса 20x11 см ўлчовга эга. Матн чиройли насх хатида, қора сиёҳда текис ёзилган. Матн қизил ва кўк хошия чизиқлари ичига олинган. Асар новвот ранг, оддий Самарқанд қоғозига кўчирилган. Давр ўтиши таъсиридан матн атрофидаги хошия сатҳи хашоратлар томонидан шикастланган. Боб номлари қизил сиёҳда ажратилиб кўрсатилган. Нусханнинг дастлабки 20 varaқида асарда қўлланилган шеърларнинг бошига қизил сиёҳ билан “шеър” деб ёзилган. Қуръон оятлари, Муҳаммад (с.а.в.) нинг ҳадислари ва баъзи дуолар тагига қизил чизиқ билан чизилган. Саҳоба, файласуф ва шоирларнинг исмлари ҳам қизил сиёҳда ёзилган. Қўлёзманинг сақланишида эътиборсизлик туфайли, китобнинг пастки қисмида намлик

асоратлари пайдо бўлган. Дастлабки 80 varaқида матн четида, куп фойдаланганлиги учун қора доғлар пайдо бўлган. Қўлёзманинг муқоваси қора картон қоғозга ўралган бўлиб, у кейинчалик қўлёзма таъмир қилинганидан сўнг ёпиштирилган. Қўлёзманинг барча varaқлари тўлиқ пойгирлар билан белгилаб чиқилган. Қўлёзма varaқларининг адади белгиланган ва охириги саҳифасида “402 varaқ”, деб қайд этилган. 402 б саҳифада матн бўлмагани учун таъмирчи бутун саҳифага сув қоғоз ёпиштирган. Унинг устига диний идора кутубхонаси муҳри босилган.

1а саҳифада дастлабки қайд рўйхати белгиланган қоғозча ёпиштирилган. Унда № 356 “Рабиъул-аброр”, тасаввуф илмига таълуқли деб қўйилган.

Кейинчалик таъмирдан сўнг (тахминан 1960 йиллари) муқова билан қўлёзма орасига қўйилган оқ қоғозда қўлёзма ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумотлар қайд қилиниб: “Ахлоқ мавзусида №275, Бароқхон (Диний идора биноси)” деб ёзилган. Бу ёзув тагига қўлёзма № 36 феҳрест рақами остида қайд қилингани ёзилган. Қора сиёҳда: *بو كتاب علامة محمود الزمخشري كشاف تفسيري* деб ёзилган. Ёзув тагига қўлёзма “200 рублга” сотиб олингани қизил қаламда ёзилган. Мазкур ёзув тагига “Кашфу-з-зунун” асарининг 533 бетидagi “Рабиъул-аброр” асари ҳақидаги маълумотлар қайд этилган.

Асар матнидан айрим сабабларга кўра, тушиб қолган сўзлар, котиб томонидан саҳифалар хошиясига киритилган. (21а, 23а, 24 а, 26 б, 30 а ва ҳ.к). 194 б саҳифасида иккита жумла тушиб қолдирилган, кейинчалик бу жумлалар бошқа хат билан хошияга ёзиб қўйилган. “Рабиъул-аброр”нинг мазкур нусхаси бошқа қўлёзма нусхалардан матни тўлиқлиги ва ёзувнинг тушунарли эканлиги билан ажралиб туради. Унда 98 та бобнинг барчаси тўлиқ берилган.

Биз асарнинг мазкур Тошкентда сақланаётган нусхаларидан ташқари, яна тўрт нусхаси ҳақида ҳам қисқача маълумотга эгамиз.

1. Ушбу нусхалардан бири Истанбулдаги Аё София кутубхонасида 3985 ашъвий рақам билан сақланади. У VI (мелодий X) аср охирида кўчирилган. Бир жилдлик. Биринчи varaқнинг юқорисида «Қимматли аллома Жоруллоҳнинг Рабиъул-абро китоби», унинг тагида эса «Бу китобнинг нархи 15 динор», ушбу бетнинг ўртасид эса «Аллома аз-Замахшарийнинг насихат ва ҳикматлар ёзилган Рабиъул-аброр китоби» деган

ёзув бор. Унинг остига катта думалоқ муҳр босилган.

2. Асарнинг бошқа бир нусхаси- Париж миллий кутубхонасида 3499 ашёвий рақам билан сақланади. У тахминан IX/XV асрда кўчирилган. Бир жилдлик. Қўлёзманинг биринчи варағида асарнинг номи ва қуйидаги сўзлар ёзилган: «Рабиъул-аброр» китоби, мусанниф устоз аллома, имомлар имоми, арабу ажам шайхи, Хоразм фахри Абулқосим Маҳмуд аз-Замахшарийдир. Аллоҳ уни ўз раҳматига олиб, ундан рози бўлсин! Унинг кўпгина асарлари мавжуд, булардан: “ал-Кашшоф”, “ал-Фоик”, “ал-Муфасссал”, “ал-Унмузж” ва бошқалар.

3. Асарнинг учинчи нусхаси Бағдоддаги «ал-Авқоф» кутубхонасида 386-389 ашёвий рақамлар билан сақланади. Тўрт жилддан иборат. Ҳижрий 634 йилда кўчирилган. Биринчи жилднинг аввалги бетида 25 бобдан иборат китоб мундарижаси келтирилган. Котиб Муҳаммад шайх Али ар-Райҳоний. Китоб сарлавҳасининг тепасида думалоқ муҳр бор².

4. Тўртинчи нусха Россия Фанлар Академияси Осиё халқлари институти фондида сақланади. Мазкур фондда С 676 рақами остида сақланаётган қўлёзма 314 саҳифадан иборат бўлиб, қоғози 25,2х18,7 см ўлчовга, матн эса 19х13,5 см катталиқда. Ҳар бир саҳифада 20 қатордан матн жойлаштирилган. Асарнинг ҳошиялари ва сатрлари орасида изоҳ ва қўшимчалар ёзилган. 1 а саҳифада Осиё музейи муҳри тутширилган. Қўлёзманинг 302 саҳифаси қизил сиёҳ билан рақамлаб чиқилган. 1-5 ва 309 – 314 бетгача бўлган саҳифалар кейинчалик қўшилиб, уларда (16-5а) асардаги мавзулар номлари, (310, 311а, 312а, 314) изоҳлар ёзилган. Матн қора сиёҳда, сарлавҳалар ва шахсларнинг исмлари эса қизил сиёҳда йирик насх хатида ёзилган. Қўлёзма муқоваси ярим чарим нақшли муқовадир. Қўлёзманинг охириги саҳифалари бўлган 305 – 308 бетларида намлик асоратлари мавжуд. 307 – 308 саҳифалари кўп фойдаланганлиги туфайли шалоқ ҳолатга келган: баъзи жойлари ҳашоратлар томонидан тешиб ташланган. Асар 20 зул-ҳижжа 739/1339 йил 30 июн куни Муҳаммад ал-Исфандийари ал-Мўйни томонидан кўчирилган³.

Немис шарқшуноси К.Брокельманнинг «Араб адабиёти тарихи» китобидаги маълумотларга кўра, ушбу асарнинг нусхалари дунёнинг

йирик шарқшунослик марказлари ва кутубхона-фондларида ҳам сақланмоқда”.

Илмий изланишлар натижасида «Рабиъул-аброр»нинг қуйидаги мухтасар шакллари ҳам ҳозирга қадар сақланиб қолганлиги аниқланди:

1. Муаллифнинг ўзи ёзган «Танланган» мухтасари. У Британия музейида 729-рақамда, Париж миллий кутубхонасида эса 5038-рақамда сақланмоқда.

2. Муҳаммад ал-Хатиб бин Ёқуб (в. 1533 й.) ёзган «Равзат ал-ахёр» («Яхшилар боғи») мухтасари. У Берлин кутубхонасида 8356, Искандария кутубхонасида 73, Вена кутубхонасида 377, Аё София кутубхонасида 1512, Британия музейида 1125 ва 513- ашёвий рақамлар билан сақланади.

3. Муҳаммад бин Халил ал-Қабоқабийнинг (в. 1445 й.) мухтасари, у Қабоқабийнинг (в. 1445 й.) Берлин кутубхонасида 8355-ашёвий рақам билан сақланади.

4. «Заҳр ар-рабиъ» («Баҳор гули») номли мухтасар. Унинг муаллифи номаълум. Берлинда 8356-ашёвий рақам билан сақланаётган ушбу мухтасар Нурилли Муҳаммад бин Неъматуллоҳ Шастарий томонидан форс тилига таржима қилиниб 1301/1883 йилда Табризда чоп этилган.

5. XVI аср олими Аҳмад бин Абдулазиз бин Муҳаммад ал-Ажамийнинг «Мухтасар бианвор ли-рабиъ ал-аброр» («Рабиъ алаброр» нурларидан танланган) номли мухтасари. У Берлинда 8354 ва Ванкуверда 2616-ашёвий рақам билан сақланади.

6. Туркиялик олим Ошиқ Чалабийнинг (в. 1571 й.) асарга ёзган мухтасари. У Венада 378-ашёвий рақам билан сақланади. Бу асар Ошиқ Чалабий томонидан тўлалигича турк тилига таржима қилинган.

7. «Нафаҳот асҳор ли-рабиъ ал-аброр» («Рабиъ ал-аброр тонглааридаги шабадалар») номли мухтасар. Муаллифи номаълум. Бу мухтасар Ванкуверда 2617-ашёвий рақами билан сақланади.

8. «Заҳр ал-рабиъ» («Баҳор гули») номли мухтасар. Муаллифи номаълум. У Берлинда 8358, Венада 376, Искандарияда 9, Петербургда III/493-ашёвий рақам билан сақланади”⁴.

«Рабиъ ал-аброр» ва унинг мухтасарлари дунёнинг йирик қўлёзма фондларида сақланмоқда. Асарнинг турли хорижи тилларга таржима қилиниб, нашр этилгани, унинг машҳур ва муҳим манбалардан бир эканлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир.

² محمود الزمخشري ربيع الأبرار ونصوص الأخبار 1980. بغداد محمود الزمخشري ربيع الأبرار ونصوص الأخبار 1980. بغداد

³ Арабские рукописи института народов Азии АН СССР.-М.: Восточная литература, 1960. Т.: 1. стр 66

⁴ C.Brockelmann, Geschichte der arabischen litteratur III 236 – 237 Leiden, Brill 8 1937 – 1949